

Ҳамдардлик изҳор этамиз



11:53 / 07.02.2023 2288

Бутун дунёни ларзага солган Туркия ва бошқа ҳудудларда бўлиб ўтган қаттиқ ер силкинишлари кўплаб инсонларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Айти вақтда ушбу ҳудудларда қутқарув ишлари давом этмоқда.

Туркия ва бошқа минтақаларда бўлиб ўтган қаттиқ zilzila муносабати билан қардошларимиз ва диндошларимизга чуқур ва самимий ҳамдардлик изҳор этамиз.

Zilzila oқибатида вафот этганларни Аллоҳ таоло мағфиратига олсин, шаҳидлар қаторида қилсин, мусибатзадаларга сабр ва енгиллик берсин. Ярадорлар ва беморларга Аллоҳ таолодан комил шифо сўраймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ва Islom.uz портали жамоаси

Биламизки, Қуръони Каримда «Залзала» номи билан аталган Аллоҳ таолонинг муборак Каломи бор. Ушбу сурада Қиёмат қоим бўлгандаги улкан zilzila ҳақида сўз юритилади.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Изаа зулзилат» сураси Қуръоннинг ярмига тенг келади», – деганлар.

Аллоҳ таоло:

بِصَدْرِ يَوْمَيْدٍ ۝ لَهَا أَوْحَىٰ رَبُّكَ بِأَنَّ ۝ أَخْبَارَهَا تُحَدِّثُ يَوْمَيْدٍ ۝ لَمَّا مَا الْإِنْسَانُ وَقَالَ ۝ أَنْفَعَالَهَا الْأَرْضُ وَأَخْرَجَتِ ۝ زَلْزَالَهَا الْأَرْضُ ذُلُزَلَتْ إِذَا ۝ يَسْرُهُ، شَرًّا دَرَقٍ مَثْقَالَ يَعْصَلُ وَمَنْ ۝ يَسْرُهُ، خَيْرًا دَرَقٍ مَثْقَالَ يَعْصَلُ فَمَنْ ۝ أَعْمَلَهُمْ لِيُرَوْا أَشْنَانَا الْكَاسِ

«Вақтики, ер ўзига хос zilzilaga тушса... Ва ер ўз юкларини отиб чиқарса... Ва инсон: «Унга нима бўлди?!» – деса... Ўша Кунда у (ер) ўз хабарларини айтадир. Сенинг Роббинг унга ваҳий юборгани учундир. Ўша Кунда одамлар амалларини кўриш учун жойларидан алоҳида алоҳида бўлиб қўзғалурлар. Бас, ким зарра вазнича яхшилик қилса ҳам кўрадир. Ва ким зарра вазнича ёмонлик қилса ҳам кўрадир» (Залзала сураси, 1-2-3-4-5-6-7-8-оятлар) деб марҳамат қилган.

Қиёмат қоим бўлганда, ер бутунлайича қаттиқ zilzilaga тушади. Ҳозиргига ўхшаб, унинг баъзи бир нуқтаси сал-пал силкиниб қўймайди. Балки ер ўзининг бутун вужуди билан, ҳеч бир нуқтаси ҳам қолмай, ниҳоятда шиддатли zilzilaga тушади. Ана ўша ернинг ўзига хос zilzilaga тушгани бўлади.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ўша кунда у (ер) ўз хабарларини айтадир» оятини қироат қилдилар ва:

– Унинг хабари нималигини билмайсизларми? – дедилар.

– Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ, – дейишди.

– Албатта, унинг хабари ҳар бир банда ва чўрига ўз устида нима қилгани ҳақида гувоҳлик беришидир. «У фалон куни фалон-фалон ишни қилди», деб айтадир. Бас, ана шулар унинг хабарларидир, – дедилар у зот.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда эса: «Ердан ҳушёр бўлинглар. Зотан, у онангиздир. Албатта, унинг устида қайси бир яхши ёки ёмон амал қилувчи бўлса, у, албатта, унинг хабарини берувчидир», – дейилган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қиладилар:

«Соъсоъа ибн Муовия исмли одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганда, ул ҳазратлари унга: «Фаман яъмал мисқола зарротин хойрон яроҳ, ва ман яъмал мисқола зарротин шарран яроҳ»ни ўқиб берганларида, у: «Бундан бошқа нарсани эшитмасам ҳам, менга шунинг ўзи етарли», – деган экан.

2023 йил 6 февраль куни кучли зилзила муносабати билан Туркияда етти кунлик мотам эълон қилинди.

Аллоҳ таоло барчаларимизни офиятда қилсин!